

## А Ж Р И М

*(жиноят ишени тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиши тўғрисида)*

2025-йил декабрь ойининг 23-куни, жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида бўлиб, суд раиси О.Эсановнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Мусулмановнинг котиблигида, давлат айбловчиси Ғаллаорол туман прокурорининг ёрдамчиси М.Дўсбеков, судланувчи Н.Турсункулов, унинг ҳимоячиси “QANRAMON” адвокатлик фирмаси адвокати М.Жўраев, жабрланувчи вакили С.Эшонкуловларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган,

1998 йил 08 май куни Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Кўкгумбаз МФЙ, Бахмалсой қишлоғи, Бахмалсой кўчаси 44-уйда яшовчи, **Турсункулов Нарзулла Асадулла ўғли (Tursunqulov Narzulla Asadulla o'g'li)**га

оид 1-1305-2501/229-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, иш ҳолатлари бўйича судланувчи, жабрланувчи вакилининг содир этилган жиноят ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитиб, ярашув тўғрисидаги аризаларни иш ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, мавжуд далилларга баҳо бериб қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Н.Турсункулов 2025 йил 11 ноябрь куни соат 19:30 ларда бошқарувида бўлган “NEXIA” русумли 25 Q 988 GA давлат рақам белгили автомашинани Ғаллаорол тумани Маданият маҳалласи ҳудудидан ўтувчи Тошкент-Термиз М-39 халқаро автомобил йўлининг 1016-км Тошкент йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб келиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди, 11-банди “г”-қисми ва 77-банди 3-қисм талабларини кўпол равишда бузиб, 4-бандига асосан “йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари керак”лигини, 11-банди “г”-қисмига кўра, “хайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриш керак”лигини ҳамда 77-банди 3-қисмига кўра, “ҳаракатланиш вақтида хайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” – деб белгилаб қўйилган қоидаларига амал қилмасдан ҳаракатланиб, йўлнинг ўзига нисбатан чап тамонидан ўнг тамонига юриб ўтаётган жабрланувчи Ж.Болбековни автомашина ўнг олд тамони билан уриб юбориб, жабрланувчи Ж.Болбековга “оғир тан жароҳати” етишига сабаб бўлган йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган.



Суд-тиббийёт экспертизанинг 02.12.2025 йил кунги 4325-сонли хулосасига кўра, жабрланувчи Ж.Болбековнинг танасидаги тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “оғир тан жароҳати” деб баҳоланган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 11.12.2025 йилдаги 2600-сонли хулосасида “қарорда келтирилган вазиятда ўтказилган тадқиқотлар ҳажмида кўриб чиқилганда, “NEXIA” русумли 25 Q 988 GA давлат рақам белгили автомашина ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди, 11-банди “г” қисми ва 77-банди 3-қисми талабларига зид бўлганлиги аниқланган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Н.Турсунқулов юқоридаги жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун жалб қилинган.

Судда сўралган судланувчи Н.Турсунқулов, 2025 йил 11 ноябрь куни соат 19:30 ларда бошқарувида бўлган “NEXIA” русумли 25 Q 988 GA давлат рақам белгили автомашинани Ғаллаорол тумани Маданият маҳалласи худудидан ўтувчи Тошкент-Термиз М-39 халқаро автомобил йўлининг 1016-км Тошкент йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб келаётгани, йўлнинг ўзига нисбатан чап тамонидан ўнг тамонига юриб ўтаётган жабрланувчи Ж.Болбековни автомашина ўнг олд тамони билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилгани ҳақида кўрсатув бериб, судга ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчининг вакили билан ярашиб олганлиги, унинг моддий ва бошқа даъвоси мавжуд эмаслигини билдириб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судда сўралган жабрланувчи вакили С.Эшонқулов, жабрланувчи Ж.Болбеков ўғли бўлишини, ўғли судланувчи Н.Турсунқулов томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида оғир тан жароҳатлари олгани, ҳозирги кунда унинг аҳволи яхшилиги ҳақида кўрсатув бериб, судга ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, судланувчи Н.Турсунқулов томонидан ўғли Ж.Болбековга даволаниши учун кетган харажатларни тўлиқ қоплаб берилгани, унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва бошқа даъвоси мавжуд эмаслиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли у билан ўзаро ихтиёрий тарзда ярашганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини баён қилиб, судланувчи билан ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритишни тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлган бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий вобгарликдан озод этилиши мумкин.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига кўра, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилиқ ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Суд, жабрланувчиларнинг вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор М.Дўсбеков ва ҳимоячи М.Жўраевларнинг жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Н.Турсункуловнинг айбига иқдорлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, ярашув тарафлар ўртасида бирон-бир тазйиксиз, ўз хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси таъсири доирасига тушишини инобатга олиб, Н.Турсункуловга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчиларнинг вакилига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига мувофиқ, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангач, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган **Турсункулов Нарзулла Асадулла ўғли (Tursunqulov Narzulla Asadulla o'g'li)**га нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан унинг айблилиқ ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчиларнинг вакилига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотганликлари тушунтирилсин.

Ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда апелляция тартибида, ушбу муддат ўтгандан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят берилиши ёки прокурор томонидан хусусий протест билдирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**О.Эсанов**

